ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ГУРЛАН ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
GURLAN TUMANI
HOKIMI
QARORI

2020yil "05" февраль № 404 Gurlan shaharchasi

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунининг 13-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ транспорт воситаларининг 2020 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш максадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Гурлан тумани ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

4. Ушбу Қарорнинг 3-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 март — 30 июнда;

иккинчи марта — 1 сентябрь — 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март — 30 июнда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь — 31 августда ўтказилади.

Транспорт воситаси техник кўрикка белгиланган муддатлардан олдин тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолда транспорт воситасини техник кўрикка тақдим этиш муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарор транспорт воситаси эгаси — юридик ёки жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида ДЙҲХХнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан қабул қилинади.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раисига:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш;

юридик шахсларга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юбориш юклатилсин.

6. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда техник кўрикдан ўтказилишини, уларнинг техник жиҳатдан созлигини ва ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

7. Транспорт воситалари ДЙҲХХ органлари томонидан техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган миқдорларда йиғим ундирилади.

Биринчи (олдинги) техник кўрикда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўрикдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йигим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғим суммаси Гурлан туман маҳаллий бюджетига ўтказилсин.

8. Гурлан туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (О.Ахмедов) зиммасига:

мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Гурлан ҳаёти” газетасида эълон қилинишини ва www.gurlan.uz веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш юклатилсин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 1 мартдаги 1636-сон қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Туман Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи, транспорт воситаларининг техник кўриги натижалари бўйича туман ҳокимлигига 2020 йил 10 ноябргача ёзма ахборот бериш вазифаси топширилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Рахимбаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими А.Салаев